

“ИСЛОМИЙ ДАРЧАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ: МАЛАЙЗИЯ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ИМКОНИЯТЛАР”

Исломова Шоҳида Илҳомовна

Аннотация: Ушбу тезисда Малайзияда анъанавий банклар таркибида фаолият юритувчи исломий молиявий дарчалар (Islamic banking windows)ни ташкил этиш тартиби, хуқуқий асослари ва амалий механизмлари таҳлил қилинган. Малайзияда 2013 йилда қабул қилинган “Islamic Financial Services Act” (IFSA) исломий банк хизматларини тартибга солишда муҳим хуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди. Исломий дарчалар шариат маслаҳат кенгашлари, алоҳида ҳисоб-китоб, шариат аудити ва шариатга мос молиявий маҳсулотлар асосида фаолият юритади. Бундай модель банк тизимида исломий молияни ривожлантиришга, аҳоли талабини қондиришга ва шариатга мувофиқликни таъминлашга хизмат қиласди. Тезис якунида Ўзбекистонда ҳам исломий молиявий дарчаларни жорий этиш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Исломий молия, исломий банк, исломий дарча, молиявий инклузия, Малайзия тажрибаси, IFSA 2013, шариат маслаҳат кенгаси.

Сўнгги ўн йилларда исломий молия дунё молия бозорининг муҳим сегментига айланиб, анъанавий молиявий тизимга муқобил барқарор вариант сифатида шаклланмоқда. Хусусан, Жанубий-Шарқий Осиё минтақасида Малайзия исломий банк хизматларини ривожлантиришда етакчи давлат сифатида тан олинган. Мазкур давлатда анъанавий банклар таркибида фаолият юритувчи исломий молиявий дарчалар (Islamic banking windows) орқали шариатга мос молиявий хизматлар аҳолига кенг етказилмоқда.

Малайзиядаги тажриба ва статистика

Малайзияда 2023 йил ҳолатига кўра, исломий банк активлари умумий банк тизими активларининг 45%ини ташкил қиласди (BNM, 2023). Мамлакатдаги 26 та

тижорат банкидан 11 таси тўлиқ исломий банк ҳисобланади, қолганлари эса исломий дарча орқали хизмат қўрсатади. Maybank Islamic, CIMB Islamic, RHB Islamic каби банклар ўз таркибида исломий дарчаларни самарали йўлга қўйган ҳолда, шариатга мос маҳсулотлар (ижара, мурабаха, мушорака ва бошқалар)ни таклиф қилмоқда.

Малайзияда Islamic Financial Services Act (IFSA 2013) қабул қилинганидан сўнг, барча банклар исломий молиявий операциялар учун алоҳида ҳисоб-китоб юритиш, шариат маслаҳат кенгаши ва ички шариат аудитига эга бўлиши шарт қилиб белгиланган (BNM, 2019).

Ўзбекистондаги ҳолат ва имкониятлар

Ўзбекистонда исломий молияга бўлган талаб ортиб бормоқда. 2024 йилда “Asia Alliance Bank” ва “Kapitalbank” ҳам исломий молиявий дарча фаолиятини йўлга қўйиш ниятида экани эълон қилинди. Молия вазирлиги ва Марказий банк ташаббуси билан “Исломий молия асослари” бўйича давлат хизматчилари ва банк ходимлари учун маҳсус малака ошириш курслари ташкил этилди. Бу эса соҳадаги билимлар ва мутахассислар етишмовчилигини қисман бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Таҳлил ва истиқболлар

Малайзия тажрибаси асосида, исломий дарчалар — бу анъанавий банкларда шариатга мувофиқ молиявий хизматларни жорий этишда энг кам хатарли ва нисбатан осон усул ҳисобланади. Бу модел: ахборот ва ишонч муаммоларини камайтиради;

банк учун алоҳида муассаса ташкил этмасдан янги мижозлар сегментини қамраб олиш имконини беради; инклузив молияни таъминлайди ва аҳолининг банк тизимига ишончини оширади.

Ўзбекистон учун исломий дарчаларнинг йўлга қўйилиши қўйидаги истиқболларни очади:

1. Ислом талабларига риоя қилувчи аҳолининг банк тизимига кириши орқали молиявий инклузияни ошириш;

2. Халқаро исломий молия институтлари (IDB, ICD, AAOIFI) билан ҳамкорликни кучайтириш;
3. Исломий молия орқали яшил иқтисод ва Ҳалол туризмни молиялаштириш;
4. Инвесторлар учун янги бозор сегментини яратиши.

Мавжуд муаммолардан бири — бу ҳуқуқий базанинг етарлича ривожланмагани, ислом аудити ва ислом маслаҳат кенгашлари фаолиятининг институционал асосда йўлга қўйилмаганидир. Шу боис, исломий молия учун алоҳида қонун қабул қилиниши ва шариат стандартларини жорий этиш муҳимдир.

Хуноса: Малайзиядаги исломий дарча модели — Ўзбекистонда ҳам исломга мувофиқ молиявий хизматларни босқичма-босқич жорий этишда қўллаш мумкин бўлган самарали механизм ҳисобланади. Бу нафақат иқтисодий барқарорликни таъминлайди, балки аҳолининг молиявий эҳтиёжларини ислом талабларига мос ҳолда қондиришга хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар:

El-Gamal, M.A. (2006). Islamic Finance: Law, Economics, and Practice. Cambridge University Press.

Bank Negara Malaysia (BNM). (2019). Shariah Governance Framework for Islamic Financial Institutions. Kuala Lumpur: BNM.

Bank Negara Malaysia (BNM). (2023). Islamic Finance Development Report 2023. Kuala Lumpur: BNM.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining қарори (2021). 2022–2026 йилларга мўлжалланган молия бозорини ривожлантириш стратегияси [PQ–5013-сон]. [Online] Available at: <https://lex.uz>

UzDaily. (2023). Ijtimoiy bank introduces pilot Islamic finance services. [Online] Available at: <https://uzdaily.uz>